

Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan 2002 yil 18 yanvar juma № 3 (342) sotuvda erkin narxda



«Адолат» социал-демократик партияси таълим-тарбия тизimini бетиним такомиллаштириб бориш, бунда миллий кадрлар билан бир қаторда фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларидан самарали фойдаланиш керак деб ҳисоблайди. Республикаимиз келажги энг аввало, мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Бизнинг мақсадимиз уни нафақат асраб-авайлаш, балки ана шу бебаҳо бойлиқдан оқилона фойдаланишдир. Партия, шунингдек, одамларимиз, айниқса, ёшларнинг жисмоний камолотига жиддий эътибор беришликни муҳим вазифа деб ҳисоблайди.
(«Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Дастуридан»).

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17 январь кuni Оқсаройда Томас Дэйл раҳбарлигидаги бир гуруҳ АҚШ сенаторларини қабул қилди.
— Биз АҚШдаги воқеаларни, халқаро акситеррор операциясини диққат билан кузатиб бормоқдамиз. 11 сентябр кuni рўй берган муҳдиш воқеадан кейин жуда катта ҳодисанинг гувоҳи бўлдик. Америкаликларнинг иродаси ҳаммага ўрнак бўлди, — деди Ислам Каримов учрашувда.
Ҳақиқатан ҳам, сентябрь фожвасидан кейин АҚШ халқи янада жипслашди. Бу воқеа турли қарашга эга бўлган сиёсий арбобларни

ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган АҚШ Сенатининг Томас Дэйл бошчилигидаги делегацияси Ўзбекистон тақши ишлар вазири Абдулазиз Комилов билан учрашди.
Музокарада Ўзбекистон билан АҚШ ўртасида ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш, бу борада мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Томонлар минтақавий хавфсизлик ва халқаро террорчиликка қарши кураш масалаларига ҳам эътибор қаратади.
Учрашувда Афғонистондаги террорчи гуруҳларнинг йўқ қилиниши ва ушбу мамлакатда аста-секин барқарорлик тикланишида Ўзбекистоннинг ҳам муносиб хизмати борлиги таъкидланди. Бугун Ўзбекистон хориждан афғон халқига инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилган юзларни белгиланган манзилларга мунтазам етказиб бераётгани алоҳида қайд этилди.
(У.А.)

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ВА ИККИ ПАЛАТАЛИК ПАРЛАМЕНТ

Тарихдан маълумки, дастлабки сиёсий партиялар қадимий Грецияда вужудга келган. Улар оз сонли гуруҳлардан иборат бўлган. Бу гуруҳлар тақшилий жиҳатдан расмийлаштирилмаган. Шу сабабли ҳам улар сиёсий тузум ҳукм сурган ўша жамиятда бирор бир салмоқли роль ўйнамаган.
Аслида «партия» сўзининг маъноси нима? «Партия» сўзи латинчадан келиб чиқиб, pars — «қисм» деган маънони аниқлатган. Сиёсий партия — бирон бир ижтимоий синфнинг қисми, аниқроғи унинг энг фаол оғли ва уюшган қисмидир.

ОГОҲ ФОТИҲ

• Юртимизда ҳар бир субҳ нафаси Ватан мадҳияси билан йўғрилади. Бу улғу сиёсий қўшиқ қамровида навбатдаги кунни кўтаринки руҳ, келажакка ишонч билан бошлайсиз.
Шу қўшиқ орқали олис-яқиндаги наинки қавм-қариндошларингиз, балки барча ватандошларингиз билан саломлашиб olasiz. Мадҳиянинг улғувор жанриги остида миллионлаб фуқаролар, демакки, озод юртингиз эгалари улғу пойтахтга, мағрур хилпаранг байроққа, Президентига юзлангандай бўладилар.
Бу мадҳ каломида аянчли ўтмиш ҳам, Мустақилликнинг илк, тақликали йиллари ҳам, аҳдида собит бугунги кунимиз ҳам, порлоқ истиқбол ҳам онг-шуримиздан ўтади.
У халқнинг асрий орзусини рўёбга чиқарган журьат эгасига эҳтиром, у ўзлимизни англаувчи наво. На, у шундай бир буюк қудратки, Ватан деган ноёб ва ҳодир туйғунни жунбуша келтиради.
Бу залворли қўшиқ оддий қўшиқ эмас, гафлатни фатҳ этувчи абадий ОГОҲ ФОТИҲ!
С. МУХТОРЖОНОВ.

27 январь—умумхалқ референдуми кuni

ХАЛҚНИНГ ҲОҲИШ ИРОДАСИ

Ўзбекистон мустақиллигининг илк йилларида ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни муваффақиятли амалга оширмоқда. Бозор иқтисодиётига асосланган эркин фуқаролик жамиятининг пойдевори шакллантирилди, унинг ҳуқуқий механизми яратилди. Бошланган барча соҳалардаги ислохотлар ўзининг самарасини бера бошлади. Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи юксалди. Ўзбекистон тиланган йўли тўғрисидаги эҳтишом ва ҳақдорликни исботлади. Мамлакатимиз эндиликда тараққиётнинг янги босқичига қадам қўя бошлади.
Юртбошимиз айтмоқчи, Мустақиллик бизнинг ор-номусимизга, фахрий гуруримизга, виждон ва иймонимизга айланди. Она-Ватан тушунчаси, ҳуррият ва демократия гоғлари, Истиқлолни қадрлаш туйғуларни одамларимиз қалбидан муҳим ўрин олди. Мустақил демократик давлатни шакллантириш борасида алоҳида ўрин тутаятган Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган оттинчи сессиясида муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Улар қаторидан «Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида» қарор мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеадир. Маълумки, ушбу қарорга мувофиқ мамлакатимизда 2002 йилнинг 27 январь, яқинда кuni референдум ўтказилади. Референдумда овоз бериш бюллетенига 2 та савол киритилмоқда:
1. Сиз келгуси қақриқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?
2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб сайланишига розимисиз?
Ушбу саволларга жавоб бериш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Негаки, демократия йўлидан бораётган беш давлатимиз бугунги кунда бизни референдумга, яъни умумхалқ маслаҳатига қақримоқда.

Фуқароларнинг референдумда иштироки қонунга биноан ихтиёрий ва эркин бўлиши лозим. Бунга ҳеч ким мажбур этиши ёки таъсир қўриштириши мумкин эмас. Референдумда 18 ёшга тўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қатнашиши мумкин.
Фақатгина суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этилган шахслар қатнаша олмайди.
Референдумга тайёр-гарлик ишларини уни ўтказувчи комиссиялар ошқор тарзда амалга оширадилар. Сиёсий партиялар, фуқаролар ташаббускор гуруҳлари, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчилар оммавий ахборот воситаларининг вакиллари билан бирга референдумда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.
Қонуннинг 10-моддасига биноан, сиёсий партиялар, қасаба уюшмалар, бошқа жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, оммавий ҳаракатлар, меҳнат жамоалари ҳамда фуқаролар референдумга қўйилган саволларни ёқлаб ёки унга қарши монелькисиз ташвиқот олиб боришга ҳақлиқдирлар.
Аммо шу билан бирга, шу ташвиқот ишларини товар ва имтиёзлар, пул тўлаш йўли билан олиб бориш ҳамда бевосита референдум кuni ўтказиш тақиқланади.
Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йилнинг 10 декабрь кuni Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларида ҳаммаси бўлиб 14 та референдум округлари тuzилди. Ушбу округ комиссиялари томонидан ўз навбатида (Давоми 2-бетда).

Хозирги том маънодаги сиёсий партиялар биринчи марта Европада буржуа инчиқоблари билан, давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва амалга ошириш шакллари тарзидан парламентлар ва парламентаризмнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ тарзда вужудга келган. Жамиятнинг синфий табақалашуви, ижтимоий зиддиятларнинг кучайиб бориши тузилган одамларнинг кенг омаси сиёсатга жалб этила бошланди, натижада партияларнинг роли орта борди, улар сиёсатнинг асосий субъектига айлана босдилар.
Сиёсий партияларнинг харақтери хусусияти шундаки, улар ҳукуматда бўлиш ҳокимиятини ўз қўлида сақлаб турш ва таъсир ўтказиш учун сайловларда фаол иштирок этишга интиладилар. Демак, партиянинг жамиятдаги таъсири сезиларли бўлиши учун унинг аъзолари сиёсий тизимда, аниқроғи парламентада кўпроқ ўринларини эгаллаши лозим бўлади. Бу кўппартиявийлик тизимининг асосий хусусиятидир.
Тарихга мурожаат қиладиган бўлсак, сиёсий партиялар парламентаризм ўз фаолият ва мақсадларини тўла амалга ошира олмаганлар. Ҳар қандай партия ўз гоғларини, сиёсий ҳоҳиш-иродасини амалга ошириши, намоийиш этиши учун энг кулайли бу «сиёсий минбар» — парламенти. Бугунги демократик давлатларда сиёсий партия парламентада ҳукуматга нисбатан катта таъсир қўрига эга. Шунинг учун парламентада кўп партиявийлик ҳамда бевосита референдум кuni ўтказиш тақиқланади.
Қонуннинг 15-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан шу йилнинг 10 декабрь кuni Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегараларида ҳаммаси бўлиб 14 та референдум округлари тuzилди. Ушбу округ комиссиялари томонидан ўз навбатида (Давоми 2-бетда).

Республикамиз мустақилликка эришган илк пайларданок, яъни 1991 йилнинг ноябрь ойида «Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида» қарор қабул қилинганда Олий Мажлис томонидан 2001 йилнинг 30 август кuni ушбу қонун янги тақрирда қабул қилинди.
Қонуннинг 1-моддасида «референдум» тушунчаси берилган. Унга кўра «Референдум бу Ўзбекистон Республикаси қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадида давлат ва жамият ҳаётининг энг муҳим масалаларини юзасидан умумхалқ овоз беришидир».
Референдум сайловлар сингари халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Шунинг учун ҳам референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади. У ҳам сайловлар каби фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини умумий тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

ЮКСАК МАҚСАД САРИ

Мустақил демократик давлатимизни янада ривожлантириш борасида муҳим сиёсий қарорлар қабул қилинган. Жумладан, Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган оттинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида» қарори мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеалардан бири бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ мамлакатимизда 2002 йилнинг 27 январь, яқинда кuni референдум ўтказилиши белгиланди. Референдумда овоз бериш бюллетенига эса икки та савол киритилмоқда:
1. Сиз келгуси қақриқ Ўзбекистон Республикаси парламенти икки палатали қилиб сайланишига розимисиз?
2. Сиз Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгартиришига розимисиз?
Дарвоқе, ушбу саволларга жавоб бериш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир. Негаки, демократия йўлидан дадил бораётган беш давлатимиз бугунги кунда бизни референдумга, яъни умумхалқ маслаҳатига қақримоқда.
«Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида» қонунининг 16-моддасида референ-

дум участкалари тузиш тартиби ва нормаси белгиланган, албатта. Ҳўш, Каттақўрғон туманида референдумни ўтказиш олдидан бу борада қандай тақдирлар амалга оширилмоқда?
Шу муносабат билан муҳбиримиз ҳуқуқшунос Хотам Ҳасановга мурожаат қилди.
— Ҳақиқатан ҳам, қонуннинг 16-моддасига мувофиқ референдумни ўтказиш участкалари шаҳарлар, туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда фуқароларга мумкин қадар кўпроқ кулайлик яратиш мақсадида тузилмоқда, — дея ўз сўзларини бошлади Хотам Ҳасанов. — Аввало шунга қайд этиш жоизки, ҳар қандай сиёсий тақдир қонун юзасидан олиб борилиши талаб этилади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг иккинчи қақриқ оттинчи сессиясида қабул қилинган янги тақдирдаги «Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш тўғрисида» қарорининг мазмун-моҳиятини тушунириш, тарғибот қилиш тақдирларида фаол иштирок этишяпти.
2002 йилнинг 10 январь кuniга қадар тумандаги мавжуд 11 та қишлоқ ва 2 та шаҳарча фуқаролар йиғини ҳудудларидаги 66 та маҳалланинг ҳаммасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг иккинчи қақриқ оттинчи сессия-

тиқ давлатларда икки палатали парламент фаолият қўристамоқда. Буюк Британия, Франция, АҚШ, Испания, Италия, Бельгия, Голландия, Швейцария, Польша, Чехия, Руминия, Япония, Беларусь ва бошқа қатор давлатлар шулар жумласидандир. Бирок жаҳон парламентаризми тақрибасида икки палаталидан кўп парламентлар ҳам бор. Бу албатта ўша мамлакатнинг сиёсий вазияти, конституцион тузумининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Аммо юқорида айтиб ўтилганидек, кўп давлатлар икки палатали парламенти афзал қўридилар.
Президент Ислам Каримовнинг таъкидлашича, мамлакатимизда шаклланидиган парламент куйи палата ҳамда юқори палатадан иборат бўлиши мумкин. Куйи палатада доимий, профессионал асосда ишловчи турли сиёсий партияларнинг вакиллари иш юрихтадилар. Юқори палата эса Ўзбекистоннинг минтақалари — Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги маҳаллий кенгашлар томонидан сайланган депутатлардан таркиб топади.
Демак, пастдаги палата ҳокимият вакилларидан бутунлай бўшатилади, унинг шаклланишини партиялар ўзи амалга оширади. Пастдаги палата ўз сайловчилари жамият қатламлари фикрини ифодақилайди. Қонунчилик яратилиши жараёни ҳам шундан келиб чиқади. Юқори палатада эса асосан тақрибли мутахассис кишилар бўлади. Улар кенг жамоатчилик фикрини инобатга олиб иш юрихтадилар. Қонун қабул қилиш жараёнида эса, палаталар орасида баҳс, мунозара бўлиши мумкин. Пировадарида ҳар томонлама маълум бўлган турли иллатлардан холи бўлган турли қарор, мукамал қонунлар яратилади. Шу боис ҳақиқат, адолат тарозуси амал қилади.
Кўпласи сиёсатшунослар, ҳуқуқшунослар, мутахассислар ҳам айнан икки палатали парламент тизimini ёқлайдилар. Чунки бундай ҳолда жамоатчилик манфаатлари бирмунча кенг ва ранг-баранг бўлиши мумкин. Уш навбатдаги сиёсий партиялар ҳам ўз фаолиятлари билан фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллиги асосланган демократик жамият барпо этиш гоғсини амалга оширишда янада фаолашяпти. Бугунги кунда ҳар бир партия Ўзбекистонда ўз дастурий қарар ва мақсадларини рўёбга чиқариш учун барча ҳуқуқий асос ва қонуний қафолларга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг раиси Эркин Халиловнинг яқинда «Ўзбекистон» нашриёти чоп этган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми — миллий давлатчилик тараққиётининг муҳим босқичи» рисолисиди ҳам Ўзбекистонда икки палатали парламенти ташкил этиш асослари аниқ қўриштириб берилди. Чунки, муаллифининг таъкидлашича, икки палатали қонун чиқарувчи органи ташкил этиш гоғсининг рўёбга чиқарилиши Ўзбекистон парламенти ўзиди ижтимоий манфаатларни муқассамлаш ва уларни ошқор ифодалаш имконини беради. Бу Олий Мажлиснинг шахс, жамият ва давлат ўртасидаги зиддиятларни барқарор яратиш ва уларнинг таъсирлиги тўғрисидаги тақрибли киритган эди. Бунга мана вақт ҳам этиб келиди. Бу тақрибли тўла қўлаб-қувватлаган Олий Мажлис Ўзбекистонда икки палатали парламент тузиш ишларини бошлаб юборди.
Ҳўш, икки палатали парламент қандай бўлади? Унда сиёсий партияларнинг ўрни қандай?
Маълумки, парламентаризм кўп асрлик тарихга эга. Чунки бу гоғ биринчи минг йиллик даврида Рим, Англия, Испания, Франция каби давлатларда халқ мажлислари шаклида юзга келган. Тараққиёт эса бугунги кундаги парламентаризмга асос солди. Айни пайтда 70 дан ор-

27 январь — умумхалқ референдуми куни

ХАЛҚНИНГ ҲОҶИШ ИРОДАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

шаҳар ва туманларда референдум участкалари тузилди ва улар ҳозирда ўз фаолиятини олиб бормоқда. Қонунга мувофиқ округ комиссияси таркиби камида 9 кишидан иборат бўлса, шаҳар ва туман комиссиялари 5-19 нафар аъзодан иборат таркибда тузилади.

Референдум ўтказувчи комиссиянинг мажлисида камида учдан икки қисми иштирок этса, мажлис ваколатли ҳисобланади. Комиссия қарори очқ овоз бериш ва кўпчилик овоз олиш йўли билан қабул қилинади.

Комиссия раиси, ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолар референдумга тайёргарлик кўриши ва ўтказиш даврида комиссия қарорига асосан ўзининг асосий иш жойидан вақтинчалик озод этилиши мумкин ва референдумга ажратилган маблағ ҳисобидан уларнинг ўртача ойлик иш ҳақи сақлаб қолинади.

Қонуннинг 26-моддасига асосан тегишли участка комиссияси томонидан овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг рўйхати ту-

зилади. Бу ишга жамоатчилик вакиллари жалб қилиниши мумкин.

Референдумда овоз бериш бюллетени округ комиссиялари томонидан жойлардаги участка комиссияларига тарқатиб берилди. Бюллетенни қандай тўлдириш ҳақида унинг ўзида тегишли тушунтиришлар бўлди.

Бюллетенда фақатгина қарши муносабатда бўлган саволни ўчириб ташлаш мумкин. Агарда бюллетенда қўйилган саволлар билан келишилса, унга ҳеч қандай чиқиқлар қўйилмайди.

Овоз бериш эрталаб соат 6 дан 20 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи ҳақида участка комиссияси референдумдан 10 кун олдин фуқароларни хабардор қилиши шарт.

Овоз бериш куни яшаш жойида бўлмайдиган шахслар участка комиссиясидан ҳисобдан чиқиш гувоҳномасини талаб қилиши мумкин. Агарда соғлиги яхши бўлмастаси эки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган фуқаро кўча овоз бериш кутисидан фойдаланиши мумкин.

Қонуннинг 36-моддаси овозларни санаб чиқиш механизминини очиб беради. Унга кўра, овоз бериш кутиларини очиб навбат-навбат амалга оширилади — аввал кўча, сўнгра

стационар овоз бериш кутилари очилади. Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенларнинг орасида тегишли ёзув қолдирилади ва у комиссиянинг урта аъзоси имзоси билан тасдиқланади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка комиссияси мажлисида кўриб чиқилади, баёнда акс эттирилади. Баён раис, раис ўринбосари, комиссия котиби, комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан имзоланади ва белгиланган тартибда округ комиссиясига тақдим этилади. Округ комиссияси ҳам овоз бериш натижаларини синчиқлаб ўрнатилади ва мажлисда аниқлайди, баёнда акс эттиради. Баёнома ҳудди участка комиссиясига ўшаб, тасдиқланади ва белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига тақдим этилади.

Марказий сайлов комиссияси 10 кун ичида референдумда қабул қилинган қарорни эълон қилади.

Мустиқиллигимиз қомуси бўлган Конституцияда Ўзбекистон суверен демократик республика, давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи — халқ экани алоҳида таъкидланади. Давлат ўз сисбатини халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда юритади. Шуниси эътиборга моликки, давлат тузилиши қандайдигидан катъий назар, дунёдаги

70 га яқин демократик мамлакатларда қонун чиқарувчи органлар икки палаталидир. Икки палатали парламентлар жаҳоннинг ҳамма йирик мамлакатларида, шу жумладан АКШ, Буюк Британия, Италия, Франция, Японияда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Агар куйи палатада қонунлар тайёрланса ва қабул қилинса, иккинчи палата уларни ўрганиб, кўшимча филтёр сифатида иш тутайди ва шундан сўнггина қонунларни тасдиқлайди. Қуйи палата фақат доимий асосда ишлайдиган, бевосита сайловчиларнинг манфаатларини ифода этувчи профессионал депутатлардан таркиб топади. Юқори палата эса, энг аввало, ҳудудларнинг манфаатларини ифода этади. Шунга кўра, бу палатада Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри тенг вакилларга эга бўлади. Мазкур вакиллар орасидан вилоят, барча туман ва шаҳарлар Кенгашларининг депутатлари ҳам ўрин олади. Натижада икки палатали парламент ҳуқуқий давлат барпо этишининг, демократия ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишининг энг яхши кўрили қолади.

Мустиқил Ўзбекистон ривожланишининг ўзи танлаган йўлидан илгари борган сайин ҳаёт олдимизга янги-янги вазифаларни қўймоқда.


Парламентнинг ўзгариши ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий макomini ҳам шунга яраша ўзгариши талаб этади. Ҳокимият тизимларининг мувозанатини сақлаб қолиш ва уларнинг ишини самарали мувофиқлаштириб бориш учун Президентнинг конституциявий ваколат мuddатини беш йилдан етти йиллик қилиб ўзгариши тўғрисидаги масала ҳам халқ ҳоҳишига қўйилди.

Италия, Исроил, Туркия ва Араб мамлакатларида президент етти йил мuddатга, Австрия, Мексика ва Бошқа давлатларда — олти йилга сайланади. Бизга қўшни давлатлар Қозғоғистон ва Тожикистон ҳам шундай амалиётни қўллаб, ўз президентларининг ваколатлари мuddатини етти йил қилиб ўзгаришди.

Референдумни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Албатта, бу муҳим сиёсий тадбирнинг самараси унинг эркин, ошқоқра ўтказилишига кўп ҳижатдан боғлиқдир. «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунда бунинг учун барча ҳуқуқий қарорлар яратилган.

Бекмурод ФОРИҚОВ, ҳуқуқшунос.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили



Ариқ бўйида толлар, Биз чоллар — бахтли чоллар! | Кампирга вафодор, Серфарзанд, тахтли чоллар!

НОЗ-НЕЪМАТЛАР МЎЛ БЎЛАДИ

Мамлакатимиз Вазирлар Маҳкамасининг мева-сабзавот маҳсулотлари, полиз ва узум тайёрлашни кўпайтиришга қўлай шароитларни барпо этиш тўғрисидаги қароридан уларни еттиштириш, фойдаланиш, шунингдек экспорт қилиш ҳажмлари белгилаб берилди. Ушбу ҳажмлар Макрокотисодиёт ва статистика вазирлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаоатхолдин» компанияси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ўзбекбирлаш» акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилди. Қарорда вилоят ҳокимлиқларига мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ихтисослаштирилган ҳўжаликларга устувор аҳамият қаратиш кўзда тутилади. Экспортга юбориладиган сабзавотлар ҳажми 200 минг тонна микдоридан белгиланди.

ТОғли Бойсунийни қир-адирлари бағрида минглаб гектар экинзор, боғ-роғлар яратиш икониюти мажбул.

Бирок сувсизлик туғайли ана шу ерлардан фойдалана олиши иложи бўлмай келётган эди. Нафрат туман, балки воҳа микёсида муҳим аҳамият касб этадиган Хангаронсой сув омбори куйисда қурилиши бошланган тўғон ишга туша, сув муаммоси ҳал этилади. Узунлиги 450, баландлиги 18 метри ташкил этадиган тўғон қурилишини яқин йиллар ичида тугаллаш кўзда тутилган. Шу йилнинг охирига бориб катта иншоотнинг биринчи навбати ишга туширилади. Тўғон қурилишининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унда мингга яқин бой-сунликлар учун иш ўринлари яратилади.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗГИН

моқда. Жойларда жамоатчилик ташаббускор гуруҳлари ташкил этилган. Бу гуруҳлар таркибига зиёлилар, малакали ҳуқуқшунослар, жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилинган. Улар маҳалларда, қорхоналар, ўқув юртида бўлиб,

референдумга оид тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Ана шундай учрашувлардан бири Миробод туманидаги 162-референдум участкасида бўлиб ўтди. Тадбирда ушбу участкага дахлдор маҳалла аҳли,

жумладан, бундай тадбирда илк бор қатнашадиган ёшларга референдум, унинг аҳамияти, ўтказилиш тартиби ҳақида тушунтиришлар берилди. Шу кунгача бундай учрашувлар Тошкентдаги

кўплаб маҳалларда ўтказилди. Бу тадбирларда участка комиссиялари ва ташаббускор гуруҳлар аъзолари томонидан референдумда овоз беришчиларни қизиқтирган саволларга тўлақонли жавоблар берилмоқда. Учрашувлар самимий ва кўтаринки руҳда ўтмоқда. (У.А.)



«Анджонмаш» ҳиссадорлик жамияти кишлоқ меҳнатқашлари огирини енгил қиладиган техника воситаларини ишлаб чиқариш ҳажмини ҳам, сифатини ҳам ошириб боришга эришмоқда. Бугун бу ерда ўндан ортқ кишлоқ ҳўжалик техникалари ишлаб чиқарилмоқда, 50 дан ортқ турда эҳтиёт қисмлар тайёрланапти. Вилоят деҳқонлари улар хизматидан беҳад хурсанд.

СУРАТДА: жамиятнинг тажрибали чилангари Раҳимжон Қамбаров. **Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ** олган сурат.

Ислоҳот қирралари ТАДБИРКОРГА ОМАД ЁР

Мустиқилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимиз ҳўкумати тарафидан тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, мунтазам рағбатлантирилиб келинмоқда. Бу эса иқтисодий ҳақида ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиб боришида ўзининг ижобий натижаларини берапти. Хусусан, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида бир ярим мингга яқин тадбиркор фаолият юргизиш, унумли меҳнат қилмоқда.

ТАЙЁР МАҲСУЛОТ — ХОРИЖГА

Мазкур тўқимачилик мажмуининг тўқув фабрикаси цехларида АКШ, Германия ва Италиядан келтирилган замонавий ускуналар ўрнатилган. Маҳаллий мутахассислар эса Тошкент, Бухоро, Қарши ўқув марказларида ва Ўзбекистон енгил sanoатининг бир қатор кўшма қорхоналарида ўқиб қайтишди. Қорхонада чиқарилаётган кийим-кечақлар ўз харидорчилиги билан диққатга сазовор. Ҳозирча бу маҳсулотлар Марказий Осиёдаги кўшн республикаларга, Россия Федерациясига берилаётган. Шу кунларда «Антекс» акциядорлик жамияти АКШ, Германия, Жанубий Корея ва Хитойдаги шериклари билан бу мамлакатларга тайёр маҳсулотларнинг йирик партияларини жўнатиш борасида музокара олиб бормоқда.

Шаҳрихон туманида фаолият кўрсатган «Антекс» акциядорлик жамияти жамоаси ип газламадан тайёрланган эркаклар шими, кўйлагги, костюми, болалар ва аёллар кийимлари каби тайёр маҳсулотларни хорижга сотишни йўлга қўйди. Бунгача қорхона хорижга фақат қалава ва газлама этказиб бераётган эди.

Палатамизга жорий йилнинг шу давригача 125 нафар юридик ва 1168 нафар жисмоний шахслар шартнома асосида аъзо бўлган, — дейди Юқори Чирчиқ тумани товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг раиси Мазмуржон Урмонов. — Биз ўтган йил давомида туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан биргаликда 36 та ҳўжалик юридик субъектларида текширишлар ўтказганимизда айрим муассасалар томонидан мазкур субъектлар фаолиятига 2 марта ноконуний аралашуш ҳоллари кайд этилганини аниқладик. Бундай ҳолларнинг бошқа таскорланишига йўл қўймайлик мақсадида туманимиз микёсида фаолият юриватган тадбиркорларнинг деярли барчаси орасида «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»да кўрсатиб ўтилган мониторинг-таҳлил ишларини олиб бордик.

Бундан ташқари, туманда кичик ва ўрта бизнес ҳақида ҳусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида палата қолаша «Тадбиркор-

БУГУНГИ БОЗОР — МАДАНИЯТГА ЗОР

Юқоридаги мулоҳаза бўрттириб берилляпти, аммо назаримизда тағ-замирида бироз бўлсада маъно борга ўхшайди. Аслида маданият деганда санъат, гўзалликни тушунамиз, турмушимизда ўзини тутиш, сўзлашиш маданияти инсонлар учун нақадар зарурлигини унутиб қўямиз.

Фикримизнинг исботини Тошкент шаҳри бозорларида бўлаётган воқеалар мисолида исботламоқчимиз. Сабаби, шундай нақл бор: «Ортинг турмуши, фаровонлигини, дастурхонни бутлигини билмоқчи бўлсанг бозорига бор». Дарҳақиқат, хориждан келган пойтахтимиз меҳмонлари миллий меъморчилик асосида қурилган бир-биридан гўзал биноларимизни, янгица тусдаги қўчаларимизни кўриш билан бирга албатта дунёга донги кетган машҳур бозорларимизга ҳам таширф буюришди.

Бир кунги ёнқок, мағиз каби қуруқ мевалар билан савдо қилувчи бўлимга ўтдим. Оёқ қўйишим биланок савдо қилаётган эркаклар: «Мановини бир кўринг», дея йўлимни тўсиб, ҳар қайсиси ўз молини мактай кетди. Ҳаттоки ёнқок, бодомини чакчиб қўлимга мажбурлаб тутқазди. Авл киши бўлганимиз сабабли тевроз чакчиб кетиш учун дуч келганини савдолашиб ҳам ўтирмай олавердим.

Шу маҳал ёш-ёш йигитларнинг қийқирини, ҳўштаги эшитилди. Атрофидидагилар нима воқеа оз берди экан, дея ҳавотирга тушибди. Маълум бўлишича, хорижий меҳмон бозорининг қўринишини видео-тасмага олаётган экан. Афсуски, савдо қилаётганлар ўзларини маданиятлий кишилардек тутиш ўрнига меҳмонга моли-

ни ўтказиш учун ҳаракат қилишарди. У ҳам нима қиларини билмай наридан бери суратга олди-да, кетишга чоғланди. Енимдаги кексароқ отахон эса бошларини чайқаб: «Меҳмоннинг олдида жуда ҳўжолатга қўйишди-да, булар», дея афсусланди.

Отахоннинг гаплари нақадар тўғрилигини билиб мен ҳам бозорларимиздаги бундай маданиятсиз ҳоллардан афсусландим. Ахир бозордаги сотувчилар меҳнатлари орасидан келаётган пулдан ҳам кўра шаҳримиз обрўсини, миллиятимиз гурурини хориқликлар олдида устуни кейишлари лозимку!

Еки бўлмасам гўшт сотувчилар бўлимининг олайлик. Ҳар бирингиз ушбу бўлимга ҳеч бўлмаганда бир ойда бир маротаба кириб чиқасиз. Шунинг учун у ердаги халоватсиз мухитни яхши биласиз, янги касб-соялар ўз гўшларини мактаб тумшунингиз олдида тирашадилар.

Нарҳига эки сифатига рози бўлмай нари кетсангиз орқандиан пичинг қилишадилар... Менимча, ҳар бир қорхона, ташкилотларда ишчи-хизматчиларга ўзини тутиш, сўзлашиш маданиятини раҳбарлар тушунтириб борганлари каби бозорларда ҳам мутасаддилар томонидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилиши даркор. Зеро, бозорларимиз шаҳримиз кўрки, миллиятимизнинг шўҳратини, маданиятини, бойлигини дунёга танитадиган масканлардан биридир.

Раъно МАҲМУДОВА, «Адолат» муҳбири.

Партия ва ҳаёт

ҲАМКОРЛИК САМАРА БЕРМОҚДА

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида бўлгани каби бизнинг вилоят, шаҳар ва туманларида ҳам Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи қарор қилинган сессияси материаллари, айниқса Республикаимиз Президентининг Ислоҳот Қарорининг сессияда қилган маърузаси зўр қизиқиш билан ўрганилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси шаҳар ва туман Кенгашлари аъзолари жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла хайрия жамғармалари билан ҳамкорликда санаот қорхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида, муассасаларда ҳамда маҳалла-кўчаларда бўлишиб, мамлакатимиз парламентини томонидан қабул қилинаётган қарор ва қонунлар давлатимизнинг янада гуллаб-яшнашига, халқимизнинг фаровонлигини оширишга, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга муҳим омили бўлиб хизмат қилажиги тўғрисида қизиқарли суҳбатлар уюштирилмоқда.

Айниқса партияимиз фаоллари шу йилнинг 27 январь

кунини мамлакатимизда умумхалқ овоз бериш йўли билан демократик тамойиллар асосида ўтказиладиган референдумнинг тўб маъноси ва моҳияти ҳақида халқимиз орасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Бундай тадбирларни амалга оширишда депутатларимиз, олимлар ва мутахассислар фаол қатнашмоқдалар. Бундай тадбирлар Бекобод шаҳрининг Ал-Хоразмий, Аббосов номи, «Тинчлик», Садриддин Айний, «Бекобод», Мукаррама Турғунбоева ва номидаги маҳаллаларида бўлиб ўтди. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг жанговар отрядларидан бири ҳисобланмиш шаҳримиз партия ташкилоти ҳам

ий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ янги дастурлар ишлаб чиқишни режалаштиряпти. Ушуманинг «Яшиллар ҳаракати»га 12 ёшдан 35 ёшгача бўлган, атроф-муҳит экологияси ҳақида тасаввурга эга бўлган ўсмир ва ёшлар қабул қилинади. К. Қўчимовнинг таъкидлашича, ушумга фаоллари келгусида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бағишланган телеқўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар тайёрлашни мўлжаллаб турибди. Бундан ташқари экология ва саноатлиқ муаммолари бўйича форумлар экофестиваллар ва кўкчаларда яратилиш ҳақидаги таъкидларни ҳам режалаштирилган.

ЁШЛАР ТАБИАТ ҲИМОЯЧИСИ

«ЭКОСАН» халқаро хайрия жамғармаси қошидаги ёшлар уюшмаси ўз сарфларини олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари, мактаб ва лицей ўқувчилари билан тўлдирмоқда. Бундай тадбирларнинг ҳар йили ўтказиб борамиз, — деди «Экосан» жамғармаси раисининг ўринбосари К. Қўчимов. — Аъзоларимиз экология соҳаси бўйича тажрибага эга бўлгандан сўнг бошқа соҳаларга ўтиб ишлаймоқда. Бу яхши албатта. Уларнинг ўрнини янги ёшлар билан тўлдиряптимиз. Бугунги ёшлар ўзининг дунёқараши билан кечагиларидан фарқ қилади. Улар ёрдами билан биз табиятни муҳофаза қилиш ва таби-

МАКТАБГА ЮНЕСКО СЕРТИФИКАТИ

Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 4-ўрта мактаб ЮНЕСКО мактаблар уюшмасига қабул қилинди. Яқинда мазкур мактаб директори Аваз Омоновга республика Халқ таълими вазириликда ЮНЕСКО бош директори Коичиро Мацууро томонидан имзоланган сертификат топширилди. — Бизлар вилоятда иккинчи бўлиб ЮНЕСКО мактаблар уюшмасига аъзо бўлдик, — деди А. Омонов. «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Биринчи бўлиб Бухоро шаҳридаги 8-ўрта мактаб ЮНЕСКО мактаблар уюшмасига аъзо бўлган. Ушбу сертификат мактабимизга катта масъулият қўйди. Демакки, бундан кейин янада кўпроқ меҳнат қилишимиз, мактабда таълимнинг халқаро андозаларини ва замонавий ўқитиш усулларини жадал суръатларда жорий этишимиз лозим.

ХАДИС

Дўстингни энгилроқ севгинки, кунли келиб душман бўлиб қолиши ҳам мумкин...

ҲИКМАТ

Уз шахсий манфаатлари ва майлларига берилмаган ҳолда ҳақиқатга бўйсунуш...

Адолатсизликни бир киши қўлдан олиб кўчирилганлик, барибир у мунофиқликдир.

Кизиққанга

Кенг дунё ойлар номининг таърифи

Январь - икки юзли ҳудо Янвур шарофига январи деб аталган...

Февраль - лотинча «Фебруум» сўзидан олинган бўлиб, маъмулар тангри...

Март - асли «мартуус» бўлиб, деҳқонлар ва қорвдорлар хомийси...

Апрель - «априор» сўзидан олинган бўлиб, мазмуни «Уз инъомларини намоян этувчи»...

Май - маъбуда Майя (Майус) исмидан олинган. Гузалик ва шоду хуррамлик палласи...

Июнь - Юпитер (Муштар)нинг рафисига - маъбуда Юнона шарофига қўйилган...

Июль - Рим давлати арбоби, машҳур саркарда Клавдий Цезар шарофига шундай аталган...

Август - Юлий Цезарнинг набира жияни, асариди Улги ва бориси - Рим ҳокими Октавий Август номига қўйилган...

Сентябрь - кўча Римда қабул қилинган 9н ойнинг тарихи бунча еттинчи ой. Лотинчада «Септимбер» дейилади...

Октябрь - қадимги римликлар тақвимидagi саккинчи ой. Лотинча «октобер», узбекчада эса «сакти» дегандек...

Ноябрь - лотин тилида «но-вембер» сўзидан Рим эски тақвимидagi ойлarning туққизинчиси.

Декабрь - Шу тақвимнинг сўнги ойи. Лотинча «децимбер», Децимус - Абдунаби Хайдаров тайёрлади.

«БИР ОТ КУЧИ...»

«Жигули» автобили двигателининг қуввати 60 от кучидан зиёд: лекин у 20 тонна юк кўтари оладими? У бундай юкни жойидан ҳам қўзғата олмайдими...

Истебод ДУНЁГА КЕЛИБСАН, ЯХШИЛИК ҚИЛГИН

Шоирлик билан шифокорликнинг ўхшаш жиҳатлари кўп: шоир сўз билан дилларга малҳам берса, шифокор тиг ва дори билан бир қаторда ширин тили билан ҳам беморга наҳот бахш этади...



БИЛГИНКИ Молу давлат тўплаш йўлига кирсанг, Уламда, етарман юзсак йуфуга...

Молу давлат сенинг бошинг гангитиб, Чоғланган тўнганга яхшилик агар. Ҳаёт бор бисотинг сочар чангитиб, Йўлинг сени бошлар дўзахга қадар.

Яхшиси ерда юр, кибдан олис, Дунёга келибсан яхшилик қилгин. Ҳаёт обрўйинг бор, қилгин шунда ҳам, Сендан етим, ночор умидвор, билгин.

ТИЛАГИМ Қошингизга борсам бошимни эгиб, Тан бериб қўйишга дўстониңгизга. Турфа ранг гуллари қўйсам-да экиб, Мухаббатим арши - остонаниңгизга.

Борсам, сўнг менинг ёниқ вужудим Бу фойий дунёга сиғмаса майли. Сизга ета олмай қўйсам умидим Юрагимда гулдек йилгаса майли.

Сиз кўёш бўлсангиз, мен бир ер бўлсам, Мехрингиз мен томон нур соҳса эди. Азиз прайннгиз бошимни қўйсам, Мухаббат қайтадан юз очар эди...

УША КУН Уша кун тўғайли сенга боғландим, Ушанда сен айтган ҳар сўз ёдимда. Сени бир кўрай деб, неча чоғландим, Сени жой ажратдим қалб меҳробимда.

Биламан, келасан бу ойдин кеча, Бирга сайр этамиз соғи боғида. Бирга яшасан, деб, интилдик неча, Бир умрга бирга вафот тоғида.

Сўнмасин ҳеч қачон бахт кўёшимиз, Алдлашиб, тўқдилар кўзимдан ёш. Гар бир-биримизни тушунганда биз, Шар эдик мағрур кўтарганга бош!

Дилором БЕРДИЕВА, 1-Тошкент Давлат тиббиёт олийгоҳининг битирувчиси, Тошкент шаҳар «Зулфия» муқофотининг фан йўналиши бўйича 2001 йил солибаси.

Билиб қўйган

ЯХШИ МЕЪЁРИ ҚАНЧА?

Ноннинг озиклик қиммати жуда катта: юз грамм нонда унинг қанча қараб 4,7 дан 6,4 фойизгача оқсил, даришкорнинг 8 гу, буюш, турли минерал тузлар, балласт мод...

Биз нондан ташқари ҳар кун сазавотлар, мева-лар, суғ-хатан маҳсулотла-ри, гушт, балик, товуқ гуштидан тайёрланган та-омларни еб туришимиз ке-рак...

Семириб кетган одам-лар қора нон, йирикроқ тортидан бундай нондан тайёрланган ёки кепак қўзғалдан нондан кунига 50-100 грамм өйишлари мумкин...

Хозир нонвойхоналарда беморларга мулкаланган пархэ Нонлар ҳам тайёр-ланмоқда.

КИМГА ҚУЁШ ҚУЛМАЙДИ? Таҳминларга қўра маг-нит буронлари кўёш фаол-лиги қўзғитилган йиллар-да туғилган кишиларда ўта ёмон таъсир қилади...

1922, 1923, 1924, 1932, 1933, 1934, 1943, 1944, 1953, 1954, 1963, 1964, 1965, 1974, 1975, 1985, 1986, 1987, 1994, 1995, 1996, 1997, 1998, 1999.

Агар сиз, айнан оқори-да кўрсатилган йилларнинг бирида туғилган бўлсангиз, 2002 йилда саломатлигин-гиз унч қўйишингиз ке-рак...

Агар сиз, айнан оқори-да кўрсатилган йилларнинг бирида туғилган бўлсангиз, 2002 йилда саломатлигин-гиз унч қўйишингиз ке-рак...

Э, ҳа, Мухаббат опахо-ни-нингиз бу бошлари не қўй-инчиликларни кўрмади дей-



Бугунги Тошкент. «Меридиан меҳмон-хонаси».

Донолар

дейдики... ҲАЗАБЛАНМА

Бир ҳақимдан: - Одамни эзадиган ю-лар ичида энг огирроғи нима? - деб сурашди. - Ҳазаб юки! - деди унга ҳақим. - Ҳазаб - асабнинг қу-шандаси ва юракнинг эго-ви. Айтидилар: - Қимнинг Ҳазабни кўп бўлса хатоси кўп бўлади. Сурадилар: - Одамларга ёқимли бўлиш учун нима қилиш ке-рак? Айтиди: - Ҳазабланма!

Эҳтиром

ЭЗГУЛИК ГУЛДАСТАСИ

Дунёда энг лаззатли нар-са ҳалол меҳнат билан то-пилган ризқидир. Салкам йи-ғирма йиллик журналистик фаолиятимда ҳалол меҳна-ти, оддий касби билан фахрланиб юрадиган эзлаб қилишлар ҳақида мақолалар ёзганман. Самимий, лабзи ҳалол, меҳнатсевар, меҳри-дарбелар билан бир гаплаш-сангиз яна гаплашгингиз ке-лаверадим.



Мухаббат опа доим кулиб юради. Сўзи ширин, ниётла-ри холис. Кеча эрталаб Му-ҳаббат опанинг хузурига қиз-лари Дилфуза, Феруза, Нар-гиз ва Азизалар гуллар кўтариб келиб қўлишди. Онасини бағриларига босиб юзларидан ўпишди. Қаран-ки, Мухаббат опа олтишга кирибдилар. Қаламқашман-да, эзгулик йўлида Мухаб-бат опани кўнгилларини бир кўтариши ниқил қилдим. Су-ратқаш-журналист Даврон Аҳмад бажонидил опани расмга олди.

Мухаббат опа Шоаҳмедо-ва жуда камтарин аёл. Уни Тошкент шаҳридаги Матбу-отчилик кўчаси 32-ўйда жой-лашган газеталар таҳрири-ятларига ҳар кун учрата-миз. Мухаббат опани барча бирдек ҳурмат қилади. Но-мини эйтибор ила тилга оли-шади. Демак у ўз вазифа-сини виждонан бажаради. Хоналарга орасталлик олиб қиради.

Уш куну у келгач, фар-зандларим турли юмуш би-лан кўчага чиқиб кетган, мен ҳам уйда йўқ эдим. Булиб ўтган воқеадан таассуфда-миз. Қотиллар уйимиздан бир қатор қимматбах буюм-ларимизни олиб кетишибди...

Мухаббат опани барча бирдек ҳурмат қилади. Но-мини эйтибор ила тилга оли-шади. Демак у ўз вазифа-сини виждонан бажаради. Хоналарга орасталлик олиб қиради.

Э, ҳа, Мухаббат опахо-ни-нингиз бу бошлари не қўй-инчиликларни кўрмади дей-

Жиноят ва жазо

Игор Адамов, Владислав Олениченко ва Нико-лай Мустақаевларнинг турпоғини яратганини ўзи бир жойдан олганга ўхшайди. Бўлмаса аҳолиси икки ярим миллион кишилик азим пойтахтнинг тур-ли туманларида яшовчи бу тенгдошлар ўзаро то-пишиб, қунда бирга бўлармидилар. Шуниси таах-жубки, учовлон ҳам одамга ўхшаб бирор жойда ишлашмайди. Боз устига ҳа деганда битта жино-ятга қўл уриб, қилмишларига яраша жазога му-бтало бўлишди. Имкони топилди дегунча яна то-пишиб олаверишди.


ГИЁҲВАНД ТАЛОНЧИ - ҚОТИЛЛАР

Бундан бошлари осмонга етган гийёҳванд қотиллар ашма-донни бир бошдан титилай бошладилар. Очюфатлар бозорига эркаклар ва аёл-лар қўларига нима илчица ба-рини олдилар. Улар орасида «Зингер» тикув машинаси, «Па-насоник» радио телефони, эр-каклар телпаги, аёллар сумка-си, «аудиоплеер», 5000 сўм пул ва бошқа шунга ўхшаш жами қиймати 207500 сўмлик бойлики олиб, ҳодиса жойи-ни тарк этишди. Урилли савол туғилади: ма-рҳум ким эди ва у Татъянанинг уйига нимага борганди. Бу ҳақда унинг умр йўлдоши Ш. Аъзамова шундай дейди:

Уш куну у келгач, фар-зандларим турли юмуш би-лан кўчага чиқиб кетган, мен ҳам уйда йўқ эдим. Булиб ўтган воқеадан таассуфда-миз. Қотиллар уйимиздан бир қатор қимматбах буюм-ларимизни олиб кетишибди...

Уш куну у келгач, фар-зандларим турли юмуш би-лан кўчага чиқиб кетган, мен ҳам уйда йўқ эдим. Булиб ўтган воқеадан таассуфда-миз. Қотиллар уйимиздан бир қатор қимматбах буюм-ларимизни олиб кетишибди...

Уш куну у келгач, фар-зандларим турли юмуш би-лан кўчага чиқиб кетган, мен ҳам уйда йўқ эдим. Булиб ўтган воқеадан таассуфда-миз. Қотиллар уйимиздан бир қатор қимматбах буюм-ларимизни олиб кетишибди...



— Яна оппоқ қор ёғди!..

МАДАНИЯТ ЖОНКУЯРИ

Хурматли Илҳом Файзиев!

Сизини эзлик ёшга тўлишингиз билан чин дилдан самимий мубо-ракбод этамиз. Сиз меҳнат фаолиятингизни дастлабки даврлариди туманимизда ҳақ та-лимини ривожланти-риш, ҳусусан ёш авлод-ни ҳар томонлама бар-қамол қилиб тарбия-лашда астойдил жон қўйдиришдиз. Уқувчи-лар ўртасида Фанлар бўйича ўтказилган олимпиадаларда мураббий сифатида жуда катта таъсир қилдириш ишларини олиб бордингиз.

Мана узоқ йиллардан буйи туман маданият бўлимининг бошқариб келияпти. Сизнинг урдуабрунлигингиз, зукколигингиз ва раҳбарлик маҳоратингиз тўғайли туманимизда маданият ишлари тубдан ўзгарди. Маданият уйлари, киш-лоқ кутубхоналарида шарт-шароитлар яхшиланди. Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Хайратий, Саид Аҳмад сингари адабиёт намояндаларининг таваллуд қиларига ба-ғишланган кечалар, шунингдек турли мавзуларга доир тадбирлар мунтазам ўтказиб бориляпти. Сизнинг сай-ҳаракатингиз тўғайли туман маданият бўлими қошидаги «Сарбозин», «Чаман» ансамбллари республика телевиде-ниесиди ўтказилган кўрик-танловларда иштирок этиб, ну-фузли ўринни эгаллади. Бугина эмас, туманимизда ўтқа-зилаётган ҳар бир тадбирда Сизнинг хизматларингиз бе-қўёйсиз. Сизга Оллоҳдан куч-қувват ва узоқ умр тилаб қола-миз. Каттакўрғон тумани маданият ишлари бўлими.

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР... Жанубий Африкада та-рихда биринчи мартаба қор ёғди.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сибсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Т. М. ТОШЕВ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ГУЛОММАХМУДОВ, А. ЖҲРАБОВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, К. РИХСБЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Д. К. ҚИРГИЗБОВ (бўлим мудири), Р. М. АЗИМОВ, Т. И. ЭРҒАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, У. Ф. ЖҲРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ, Д. Ф. ТОШМУХАМЕДОВА, З. Т. ТҲРАҚУЛОВ (ўз муҳбири).


Мулоқот учун телефонлар: Қабулхона - 133-41-89. Хатлар ва шикоятлар бўлими - 136-55-64. Котибият - 136-55-96. МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Бюуртма Г-01, Ҳажми-2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2.

«Шарк» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмақонасида чоп этилди. Корхона маънази: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Навбатчи - Илҳом СИДДИКОВ Саҳифаловчи - Бахтиёр ҚУШОКОВ Газета IBM компьютерида терилди. Босишга тошириш вақти - 20.00. Босишга тоширилди.

КАҲ-КАҲА Янги сиздан бор..

Судья айбланувчидан сурапти: - Айтингиз, сиз ўғри-ликни прокурор айтёт-ганидай қилганмидин-гиз?



Айбдор, сиз ўзин-гизни оқлаш учун яна нималарни қўшимча қила оласиз? - Сизлардан илти-мос, оқловчининг ёшлигини инobatга олсангизлар.

Жабранувчи: - Жа-ноб судья, бу киши мени «эшак» деб ҳақорат қил-ди. Судья: - Балки у бу гапни жаҳл устида айт-гандир? Жабранувчи: - Йўқ, йўқ, у аввал менга узоқ диққат билан тикилиб турди.

Боғнинг хилват бир гўшасида йигит бўса олиш учун қиз томон эгилди. Қиз уни кўрмагидан итариб қўрмади.

Мен эрга текку-нимга қадар бундай бөҳаёвликларга йўл қўймайман.

Яхши, ундай бўлса, менинг теле-фонимни ёзиб олин-гда, эрга тегишингиз билан хабар қилинг.

Солдат: - Жаноб офицер, хотиним бетоб, икки кунга руҳсат бер-сангиз.

Офицер: - Бугун хотинингдан хат келди. Тузалиб кет-ганини сенга айтиб қўйишини сурапти.

Солдат: - Елгон ҳам эви би-ланд-да. Мен уйланма-ганман-ку!

Уста, шогирдин-гиз соқолимни қандай оларкин? У ер-бу ери-ни кесиб олмасмикин?

Хавотир олманг, кесиб олмайди. Мен унинг қўлига ўтмас ус-тара бериб қўйганман.

Капитал билан меҳ-натнинг фарқи нимада? - Бировга пул қарз берсангиз - бу капитал, уни қайтариб олиш эса меҳнат.

Ҳайвонот боғи ди-ректору полицияга қўнғироқ қилди: - Биздан фил қочиб кетди. Тўтишга ёрдам беринг.

Навбатчи: - Алоҳида белгила-рини айтиб юборинг... Ҳазратилло РҲЗИЕВ тўплаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АҲБОРИЙ ҲАММАЛУМИ АТТИРАВИ Қўшма Республикаси Марказий банки 2001 йил 15 январдан бошлаб валюта опера-циялари бўйича бахталарга ки-ришди, статистика ва бошқа хисоботларни қўриш, шунинг-дек, бошқона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: 1 АҚШ доллари 688 сўм 90 тиын.

1997 йилда Тошкент ша-ҳар Сирғали туманидаги 300-лицей мактаб томони-дан Нибоз Сўхроб Абдикод-ировий номига берилган 035137 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.